



“ЭРК” партияси ва Ўзбекистон халқ ҳаракати фаоллари Фахриддин Тиллаев ва Нуриддин Жуманиёзовлар ҳозирги вақтда “Тоштурма” қамоқхонасида ҳибсда сақланмоқда. Тошкент шаҳар Ички Ишлар Бошқармаси олиб бораётган терговга кўра, улар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси, 2-қисм, г-пункти бўйича айбланишмоқда.

2014 йилнинг бошига қадар ҳар иккисининг қаердалиги ноъмалум бўлган, фақатгина 8 январ куни Тиллаевнинг адвокати Полина Браунерг, Фахриддин ва Нуриддиннинг “Тош-

Кишан кийма, бўйин эзма, ки сен ҳам ҳур туғилгансен!



Ўзбекистон
ЭРК
Демократик
партияси

МУХОЛИФАТЧИЛАРГА НИСБАТАН ЁЛҒОН АЙБЛОВ ҚЎЙИЛМОҚДА

турмада” экани ҳақидаги маълумотга эга бўлган.

Уларнинг олдига бир ой давомидан 10 кг.гача озиқ-овқат маҳсулотлари киритишга изн берилган бўлиб, бу маҳсулотларнинг сафида тез бузиладиганлари бўлмаслиги шарт қилинган.

Ҳибсга олинганидан бери уларга қариндошлари билан кўришишга рухсат этилмаган. Жумладан, Фахриддин Тиллаевнинг 85 ёшли отаси ўғли билан кўриша олмаган.

Тергов жараёнида ҳам шу ҳолат давом этган.

Ўзбекистон қонунларига мувофақ, адвокат ўз ҳимояси остидаги одам билан ёлғиз кўришиши мумкин, аммо кўпгина камераларда яширин кузатув ва суҳбатни ёзиб олиш жиҳозлари жойлаштирилган. Шунинг учун учрашувларда асосий нарса ҳақида гапирмасликка ҳаракат қилинади.

Бизга маълум бўлишича, бир неча ой олдин Нуриддин Жуманиёзов Аб-

дулла Тожибой ўғлининг таклифига кўра, ўзбекистонлик икки кишининг Чимкент шаҳрига етиб бориш ва у ерда ёлланма иш топишига ёрдам берган.

Аммо худди шу “иш” бўйича қўлга олинган Фахриддин Тиллаевнинг ушбу воқеага ҳеч қандай алоқаси бўлмаган.

Шуниси ажабланарлики, Н. Жуманиёзов 2 та эмас, 20 та одам жўнатгани, Фахриддин Тиллаев эса бу ишда унга ҳамкорлик кўрсатгани айбланмоқда. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам одам савдосида айбланиб, жазога тортилиши мумкин.

ЎХХ манбаси



Оқсаройдаги одамлар ё ҳеч нарсдан хабари йўқ, ёки хабари йўқдай тугади ўзини.

Ўзбекистон халқига аталган “Президент табриги”да Ислон Каримов 2013 йил мамлакатда инфляция даражаси 6% дан ошмаганини айтди, ва “ялпи ички маҳсулот эса сўнгги йилларда 8% га ўсган, булар дунёда жуда кам давлат эриша оладиган кўрсаткичлардир”, деди.

Унинг сўзларига кўра, аҳолининг реал даромади ўтган йилда 15,7% га, ижтимоий ёрдам-

лар, стипендия, пенсия ҳамда машоғлар эса 20,8% ўсган.

Янги йилдаги асосий вазифаларга тўхталаркан, Каримов тинчлик, осойишталикни сақлаш, чегара дахлсизлигини ҳамда Қуролли Кучларни мустақамлаш зарурлигини уқтирди. Ва 2014 йилни “Соғлом бола йили” деб эълон қилди.

ган меҳнат мухожирларининг пул жўнатмалари ҳисобига келиши Каримовнинг нутқидан ўрин олмади.

Эслатиб ўтамиз, 2013 йилда биргина Россиядаги ўзбек гастарбайтерлари ватанига 4,9 миллиард доллар жўнатган.

Бундан ташқари, Қозоғистон, Жанубий Корея, Ғарбий Европа ва Америкада ишлаётган

ИСЛОМ КАРИМОВ ТАБРИГИДА НИМАЛАРНИ УНУТДИ?

Аммо кузатувчиларнинг айтишича, Каримов баъзи нарсаларни айтишни унутиб қўйди. Жумладан, 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб, фуқаролар бир қатор имтиёзлардан маҳрум қилиниши, аҳолининг асосий даромади эса “инфляция ва ялпи ички маҳсулот” деган олдиқочдилар эмас, хорижда ишлаёт-

ўзбекларнинг юборган ва юбораётган пул жўнатмалари ҳам ҳисобга олинса, бу рақам яна-да кўпаяди.

Аммо Каримов буларни бирор-тасини кўрмаётган киши бўлиб тураверади, фақат онда-сонда далага чиқиб, “дангаса” деб қўйиши мумкин холос.



Бебаҳо ва такрорланмас, шўх болалик йилларим қадимий Насаф шаҳрига яқин жойлашган Файзиобод аталмиш файзли ва кўркам, боғлар билан ўралган қишлоқда ўтган. Эрта тонгда Шаҳрисабз томондан кўринаётган тоғлар манзарасини ҳеч бир ёзувчи таърифлай олмаслигига ишончим комил. Бу манзара ҳар тонгда такрорланарди. Ҳар куни субҳидамдан сўнг 20 дақиқадан ортиқроқ кўриниб турадиган бу манзара олис олис қишлоқлар, даладар, тепаликлар ва тоғлар манзараси эди... Биринчи маротаба менга бу манзарани акам кўрсатгандилар. Шундан сўнг мен ҳар тонг мушиқча каби болаҳонанинг томига чиқиб олардимда, томошадан сўнг пастга тушуриб қуйишларини кутиб йиғлаб ўтирардим.

Ота онадан (Аллоҳ қабрларини нурга тўлдирсин) 7 фарзанд қолганмиз. Икки акам, икки укам, икки опам бор. Уларни ҳозирги вақтдаги ҳол аҳволларидан хат хабарсизман. Улар ҳам мени аҳволимдан беҳабар бўлсалар керак.

Отам аввалига савдо ходими, сўнг эса солиқчи бўлиб ишлаганлар. Қўшни «Чўли ота» (советлар давридаги «Ленинизм») совхозида Қурбон солиқчи лақаби билан таниқли бўлганлар.

Мен юқорида таъкидлаб ўтган қишлоғимиз 60-70 йилларда шунақанги файзли қишлоқ эдики, кўклам келиши билан қишлоғимиз ажабтовур манзара касб этарди. Мен ҳанузгача бу манзарани тарифлашга ожизман.

Боғларда дарахтлар гуллаб, даладар кўм кўк тусга кириб, лола кизғалдоқ билан безанар, чучмўма, бинафша, гулсафсар, қоқи ўт каби гуллар қишлоқ узра гулдор гиламга айланиб, бир қарич ҳам очиқ жой қолдирмасдан тўшаларди. Ариқларда шарқираганча оқаётган сувларни кузатиш нақадар завқли эди. Улар инсонга хузур ҳаловат бағишлар, ҳордиқни чиқарди.

Ҳар бир хонадонда узумзорлар, полиз экинлари учун ва гулзорлар учун махсус майдончалар бўларди. Ҳар бир хонадонда боғ гули деб аталмиш гуллар ўстириларди. Чанг тўзонли кўчалардан трактор ёки машиналар ўтиб қолса, ёқимли ер ҳиди атрофни тўтарди. Тартибсиз қурулган уйлар уларни секин ҳайдашга мажбур қиларди. Хонадонларда дарвозаларда кулфлар бўлмасди.

Қишлоқ тўрт томондан пахта даладар билан ўралган эди. Ариқлар ва кўчалар бўйида экилган тут дарахларини сон саноғи йўқ эди. Бундан ташқари

осмонўпар теракларни ҳисоб китобини ҳеч ким билмасди. Мени эсимда қолгани қишлоғимизда бешта атрофи толлар билан ўраган ҳовузлар бор эди. Бу ҳовузлардан аҳоли истеъмол учун фойдаланарди. Уларда балиқлар сузиб ўйнашиб юрарди.

Эрта тонгда қишлоқ подачиларининг «ҳей...ҳей»лари ва сигирларни «мўв... мўв...»лари, қўй кўзиларни «бе.е... бе.е»лари оламни тўтарди. Тунлари ариқ ва ҳовузлардаги қурбақаларни бир бирларига навбат бермасдан «вақ, кувақ» қиладилар ҳозирги даврда афсона деса арзугилик ҳолдир.

Биз шўх ўйинқароқ болалар эса эрта тонгдан кечгача ҳалинчак учиб, ланка, чиллик, кураш, футбол ўйинларини ўйнаб чарчамасдик. Қишлоғимиз четидан унча катта бўлмаган кўл бор эди.

Ҳар баҳор ва кузда шу кўлга яқин бўлган пахта даласи ва ўтпоязорга лайлақлар учиб келишарди. Шу ерда дам олишиб, иссиқ ўлкаларга учиб ке-

МЕНИ ҚУЁШЛИ ЎЗБЕКИСТОНИМГА ОЛИБ КЕТИНГЛАР!

тишарди. Оналаримиз бизга лайлақлар ҳақида эртақлар айтиб беришарди. Айтилган эртақлар бир бирига мазмунан ўхшаш бўлсада, биз уларни қайта қайта сўраб, эшитишдан чарчамасдик. Эртақлардаги қаҳрамонларга айланиб қолишни орзу қилиб, бир биримизга ёлғон тушлар сўйлаб, ўз халқимизни жоҳил ва ёвуз подшоҳлардан озод қилиб халқни бахтиёр, ҳаммани тенг, шоду хуррам яшашини орзу қилардик. Ҳамма нарса етарли ва жаннатдаги каби чиройли бўлса ҳам бизга нимадир етишмасди. Нима эканлигини жажжи юракларимиз билмасдан, дук дук уриб, нимагадир талпинарди.

Биз ўша пайтларда замонлар ўзгариб, халқимиз турмуши жаннатдан жаҳаннамга айланишини тасаввур қилмаган эдик. Яқин йилларда миллатдан «мустқиллик» сўзи остида барча ҳақ ҳуқуқлар олиниб, жаннатмакон ўлкани дўзахга айланишини, юртдан хайру барака кетиб, файз йўқолишини билмасдик. Яқин кунларда эртақлардагидек подшоҳ золим ва қонхўр аждаҳога айланиб, ўз халқини. ёш бола ёки қария демасдан, оғзидаги ўт пуркаб, бронотранспартёр ва пулемётларда кириб ташлаши мумкинлиги хаёлимизга келмаган эди. Яна уни безрайиб «Мен ўз халқимни оттираманми?» деб ойнаи жаҳонга чиқади, деб ким ҳам ўйлабди дейсиз?!

Балки ўша вақтларда онажонларимиз бизни жажжи юракларимизни огоҳлантириш учун ўтмишдаги эртақларни эмас, келажақда бўладиган воқеаларни ўзлари билиб билмай, солиб қўйгандирлар. Балким бизни жажжи юракларимиз ниманидир етишмаслигидан эмас, балки келгусида юртимизда бўладиган қабоҳат ва залолатни яқинлашаётганидан, Аллоҳ каромати ила сезиб, безовталанган-

дир!? Биз хом сут эмган бандалар буни билмаганмиз ва англамаганмиз.

Ўша афсонавий баҳорларнинг бирида, эрта тонгдан туриб бошимга дўппи кийиб, белимга шоҳи белбоғ боғлаб, унга акам ёғочдан ясаб берган қиличимни қистириб, кўл томон Лайлақлар қанотида эртақлар мамлакатига боришга отлангандим. Эрта тонгда ёғиб ўтган ёмғирдан пайдо бўлган кўлмакчалар ва ўт ўланлардаги сувлардан завқланиб, кўл бўйига яқинлашганимда, осмонда «қур.. қур»лашиб ўз оромгоҳларига қўна бошлаган лайлақларга кўзим тушди. Мен донг қотиб, уларни бир бирларига урулмасдан, чиройли қўнишларини маҳлиё бўлиб кузатиб турдим. Ҳаммаси қўниб бўлгач, жон жаҳдим билан, «Мени олиб кетинглар» дея бақирганча кўл томонга чопа бошладим. Оёқ остидаги ўт ўланга тўқнашиб йиқилдим, яна даст туриб чопа бошладим. Дабдурстдан кичик кўлмак сувга йиқилиб

тушдим. Ўрнимдан туриб, «Мени олиб кетинглар» деб қичқирдим. Лайлақлар тўдасига яқинлашганимда бир неча лайлақ менга томон қараб қолишди. Оралиқ масофа қисқарганда ҳаммаси бирдан кўтарилишиб, кўлни нариги томонга ўтиб қўнишди. Биргина лайлақ учмасдан мени кутиб турарди. Мен 4-5 қадам қолганда беҳосдан тўхтаб, унинг тим қора кўзларига маҳлиё бўлиб тикилиб қолдим. Кўзлари кўзларимга тушди. Биз гўёки унсиз гаплашардик. У менга «Шошма болакай, ҳаммаси олдинда!» деяётгандек бўлди. Уни тим қора кўзлари нималар деганини англай олмадим. Лайлакни бўйи мендан бир озгина пастроқ эди. У менга томон бир қадам қўйиб, қанотларини ёзиб, юзимни сийпалаганча учиб кетди. Мен эса ўтириб олиб йиғлай бошладим.

Мени дарвозадан чиқиб кетаётганимни сигир соғиб турган меҳрибон онажоним (Аллоҳ қабрларини нурга тўлдирсин) кўрган эканлар. Сигирларни соғиб бўлиб, орқамдан излаб етиб келдилар. «Ҳа, болам, кўрқмадингми? Мен ҳаммасини кўриб келаётгандим. Сен билан бахт қўши гаплашди болам. Сен катта бўлганимда эл қорига ярайдиган киши бўласан», дедилар. Мен эса болаларча соддалик билан «Нега мени олиб кетмади!?!», дедим. Онажоним. «Болам сен ёшсан, катта бўлсанг лайлақлар билан гаплашасан, сени албатта эртақлар мамлакатига олиб кетишади», дедилар. Мен эса қайсарлик билан, «Нега ҳозир олиб кетмади!?!», деб туриб олдим. Шунда раҳматли онажоним, «Болам, кўрдингку лайлақ ёш экан, сени кўтариб учолмасди. Катта бўлса сени албатта олиб кетади», дедилар.

Ораддан йиллар ўтди. Онажоним доимо менга бирор тўсқинликка уч-

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми. Боши олдинги бетда)
раб, сиқилсам самимият билан «Бахт куши билан учрашгансана болам», дея кўнглимни кўтарардилар.

Мана замонлар ўзгариб, кўчалар асфалтланиб, қатор қатор шиферли, салобатли ва ҳашаматли уйлар қурилиб, дарвозаларга катта катта қулфлар осилди. Дераза ромлар темир чамбараклар билан ихоталанди. Боғлар йўқ қилинди. Ҳамма ер бетонлаштирилди. Кўл ўрнида ҳам уйлар қурилди. Кўриниши жозибадор, бир биридан ҳашаматли уйлар олдида замонавий машиналар пайдо бўлди. Шарқираб оқиб, табиятга, ўт ўланга жон бахшида этувчи, боғу роғлару поллизларни кўркамлаштирувчи ариқлар ер ости қувурларига айлантирилди. Бир сўз билан айтганда Аллоҳни яратган жаннати инсон ўйлаб топган замонавий тарақиятга мослаштирилди. Бизни жаннатимиз эса қадим қадимги афсонага айланди.

Болаларни тарбияси замонавий ҳолга келтирилди. Ўзбекона урф одатлар, ота ва онани ҳурмат қилиш, миллат шарафи, ватан туйғуси бир бирига зид бўлган, ҳар хил кампютер ўйинлари, замонавий отиш куруллари, шафқатсизлик, безбетлик, андишасизлик, ўғрилиқ, меҳрсизлик, шарм ҳаёсизлик ва зўравонлик каби ноинсоний фазилатларга жой бўшатди. Миллий урф одатлар йўқотилиб, ўрнига охир замон аломатларини эслатувчи давр келди. Буни Европа цивилизацияси таъсири ҳам деб бўлмайди. Чунки, мен ҳозирги кунда Европада яшаб кузатяманки, ўзаро ҳурмат, самимият, ахлоқу одоб бу ерда устувор экан. Бировни ҳаққини ейиш. манмансираш, киборланиш каби хислатлар Европаликларга ёт экан. Бизда эса юқорида санаб ўтилган ёмон фазилатлар борган сари кўпайиб бормоқда. Нега?

...Лайлақлар сони эса қишлоғимизда борган сари камайиб бораётган экан. Охири марта 1991 йилда 3 дона лайлақ келган экан. Мен эса уларни кўрганим йўқ. Раҳматли онажоним кўрган эканлар. «Болам, улар сен билан хайрлашгани келишганди», деганларида мен ахлоққа эриш туюлиб, беписандлик билан қарагандим. Афсус... Онажоним эса «Энди улар келишмайди!», дея маюслангандилар. Мен «Нега келишмайди?», деб сўраганимда, «Юртимиздан хайру барака кетмоқда болам. Ҳамма молу мулкка ҳирс қўймоқда. Қишлоғимиз файзи йўқолмоқда. Буни тўғрилаб бўлмайди. Оинаи жаҳонда подшони қарашларида ҳам нималардир яширинган болам. Нима бўлганда ҳам охири бахайр бўлсин!», деганларида ишонмагандим. Афсус...

Минг афсуски ўша пайтда онажонимнинг «Қуръони карим оятларига эътибор камаймоқда. Бу яхшиликка олиб келмайди. Аллоҳ ҳаммасини кўриб, ҳукм чиқарувчи. Миллатимиз бировни ҳаққидан кўркмайдиган, Аллоҳни эса эсламайдиган бўлди. У дўзах азобини нақадар даҳшатли эканлигини

писанд қилмай қўймоқда. Бу жазосиз қолмайдиган ҳол. Аввало подшоси адолатсиз бўлган давлатда хайру барака бўлмайди...», деганларида кулиб қуяқолгандим. Афсус...

Орадан беш йил ўтиб, бир соат ҳам касал бўлмаган онажоним кечки таомдан сўнг «Болаларим! Мен бир неча минутдан сўнг ўламан. Мендан рози бўлинглар!», деб оёқ қўлларини кўкракларини устига қўйиб, ётган ҳолда, ҳеч бир азобсиз жон берганлар.

Ёнларида бўлган кўни кўшнилар эса «Ҳазиллашманг кўшни», деб қараб туришган. Бир оздан сўнг эса билиб қолишган ва қарашсаки раҳматли онажоним бандаликни бажо келтирган эканлар.

Мен эса ўша кунларда тақдир тақозаси билан Фарғона водийсида эдим. Мени бу дунёга келишимга сабабчи бўлиб, оқ сут бериб, оқ кийинтириб, мени тарбия қилиб вояга етказган, иситмалаганимда кўз юммасдан,

МЕНИ ҚУЁШЛИ ЎЗБЕКИСТОНИМГА ОЛИБ КЕТИНГЛАР!

тунларни бедор ўтказган, кулфатимдан куйиниб ғалабамдан завқланган, ўзининг маъносига тенги йўқ эртақлари билан ватанга меҳр уйғотган, онага ҳар доим оқ йўл тилаган азиз онажонимни охири йўлга кузатаолмаганим мен учун умримни охиригача армон бўлиб қолди...

Худо раҳматли онажоним саводсиз аёл эдилар, аммо қишлоғимиздаги ҳар бир оиланинг ҳолидан хабардор эдилар. Каримовни ҳийла найранглари бошланмасдан қандай қилиб унинг аблаҳ ва юзсиз эканлигини билганлари ҳозирги кунгача мени хайратга солади.

Мана ҳозирги кунда денгиз ва дарёлар, саҳро ва ўрмонлар, шаҳар ва тоғлар ортида бўлган музликлар мамлакатда сиёсий қочқин мақомида яшамоқдаман. Ўзбекистонда 50 йил ишлаб ҳам баъзи бировлар эришолмаган уй жиҳозлари ва вақтинча пул билан таъминланганман. Одамлари жуда самимий ва очиқ кўнгил. Кимга мурожаат қилманг, сизга табассум билан тушунтиришга ҳаракат қилади, ўзи тушунтира олмаса бошқа бирини қақриб ёрдам беришга ҳаракат қилади. Мени тил билмаганлигим учун у гуноҳқордай узр сўрайди. Пиёдами ёки машинадами сизни танимаса ҳам сиздан олдинроқ саломлашади ва сизни кўришдан мамнун эканлигини табассум билан изҳор қилади. Гўёки мен ёшлигимда эшитган эртақлар мамлакатидаман...

Август ойининг охирилари бўлсада ҳавода оқ булутлар сузиб юрибти. Мен бугун балиқ овиға борганимда содир бўлган воқеа ушбуларни ёзишимга сабаб бўлди. Кўл бўйида ўтириб, қармоқ ташлаб турар эканман, ёшлиқ даврларим, айниқса қишлоғимиз четидаги кўл эсимга тушиб, хаёл суриб қолибман. Осмонда пайдо бўлган лайлақлар «қий... қий»идан ўзимга келдим. Қарасам юз-

лаб лайлақлар мени атрофимда кўна бошлашди. Уларни чўчимасликларини мени хайратга солди. Мен эса ҳеч бир ҳаракатсиз ҳолда туриб юқорида ёзганларимни эсладим. Негадир марҳум онажонимни эслаб, ёки 6 йилдан ошиқроқ кўрмаган ака ука, опаларимни эслаб, ёки киндик қоним тўкилган ватанимни эслаганим учунми кўзимдан маржон маржон ёшлар оқа бошлади. Дилим ва танам иккига бўлинди: Биринчиси: «Ёшлиқдаги каби хайқир, «Мени кўёшли Ўзбекистонимга олиб кетинглар!», дегин, дейди. Иккинчиси: «Қаёққа, яна ўша жаҳаннамга айланттирилган юртгами? Миллат ва халқни ночорлигини кузатишгами?» дейди. Биринчиси: «Ахир, сен юрт ўғлонисан, онанг сени ватан таянчи учун туққан ва тарбиялаган, чоп хайқир!», дейди. Иккинчиси: «Сен жаннат истаган эдинг, мана сенга жаннат. Яна нима керак? Ҳар куни ойнаи жаҳонда ўша аблаҳни юзини кўришинг шартми?» дейди. Би-

ринчиси: «Бу жаннат сеники эмас. сеники бўлиши мумкин, лекин миллатингники бўла олмайди! Сени жаннатинг пахтазорлару, иссиқ гаримсел шамоллар билан боғлиқ. Миллатинг билан боғлиқ. Мени олиб кетинглар, деб хайқир», дейди. Иккинчиси: «Курашиш керак. Адолатсизлик билан курашиш вақти келмоқда. Ҳар қандай адолатсизликни ҳам охири бўлади!», дейди.

Менга яқин жойга кўнган лайлақлардан бири мен томонга қараб кела бошлади. Бир неча қадам қолганда тўхтаб қолди.

Мен унинг тим қора кўзларидан «Шошма, сабр қил, яқин йилларда сени юртинга ҳам борамиз. Сен адолат учун кураш» деган маънони ўқдим. Лайлақ фикрларимни англагандек, «Биз билан учмайсанми?» дегандай қараб турарди.

Лайлақлар кўзларимдан оқаётган ёшдан уялишди шекилли, менга қараб. «Хафа бўлма, сен юртинга қайтасан. Биз ҳам келгуси йилларда албатта юртинга борамиз», дегандай қанот қоқиб қийқирганча бирин кетин кўкка кўтарилишди.

Мен ёшлиқдаги каби хўрсиниш билан уларни йиғлаб кузатиб қолдим. Мени овутадиған раҳматли онажоним ёнимда йўқ эдилар. Қўлимда ушлаб турган қармоқни негадир кўлга улоқтирдим. Ватан соғинчи қандай даражада кучли бўлса, золим подшоҳга бўлган нафратим шу қадар ошиб, келгусида миллат, ватан, халқ эрки, унинг ҳақ ҳуқуқлари учун курашга ва ғалабага чорловчи туйғу кучайди.

Ёзганларимни кам костини тузатиб, ўқишга ҳаракат қилган сабрли дўстларим, барчангизга Яратгандан соғ саломатлик, ватан ва миллат туйғуси сизларни тарк этмаслигини сўрайман.

Дўст Назар



Ўзбекистон президенти Ислам Каримовнинг 15-16 декабрга белгиланган Прага сафари чех президенти Милош Земан оёғига лат етгани сабабли кечиктирилган эди. Чехия президенти маъмурияти ва мамлакат Ташқи ишлар вазирлигининг Озодликка билдиришича, эндиликда Каримовнинг февраль ойида давлат ташрифи билан Прагага келиши режаланмоқда.

Земан меҳмон кутишга тайёр

Чехия президенти Милош Земаннинг 2014 йилнинг илк ойларидаги расмий учрашувлари кун тартибини ёритган маҳаллий матбуот 9 январь куни келаси тўрт ой ичида унинг 20 дан ошқин давлат раҳбари билан учрашиши ва улар орасида Ўзбекистон президенти ҳам борлигини ёзди.

Чехия Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати расмийси Давид Фроус Озодликка, Ислам Каримовнинг ўтган йил декабрь ойида амалга ошмай қолган Прага сафарининг аниқ кунлари ҳозирда Тошкент ва Прага расмийлари ўртасида муҳокама қилинаётганини билдирди:

- Ҳозирча аниқ кунлар тасдиқланмади, ўзбек ҳамкасбларимиз билан бу ҳақда гаплашяпмиз. Ташриф кунлари расман тасдиқланиши билан уни матбуотда эълон қиламиз, деди Фроус.

Расман тасдиқланмаган маълумотларга кўра, Каримовнинг Прага сафари 21-23 февралга белгиланиши мумкин.

"Инсон ҳақлари ҳақида ҳам гаплашамиз!"

Озодлик билан микрофонсиз суҳбатда Ўзбекистон-Чехия муносабатларидан яхши хабардор чех дипломати Каримовнинг Прага сафари доирасида ўтказиладиган учрашувлар кенг қамровли масалаларни ўз ичига олишни билдирди.

Муҳокамалар марказида асосан иқтисодий ҳамкорлик истикболлари бўлишини эътироф этган дипломат, айни пайтда, ўзбек ва чех расмийлари Каримов сафари давомида инсон ҳақлари, матбуот эркинлиги, хусусан, сиёсий муҳолифатга нисбатан муносабат мавзулари ҳам кўтарилажагини билдирди.

“ЕИ аъзоси бўлган Чехия ҳукумати бу борада Ўзбекистонда

мавжуд вазиятни мунтазам кузатиб боради ва бу муаммоларни очик муҳокама қилишдан ҳамма учун, хусусан, ўзбек муҳолифати учун ҳам наф етади”, дея таъкидлади ўз исми очикланишини истамаган чех дипломати.

Ошинг ҳалол бўлса, кўчада егин!

Аммо Чехиядаги инсон ҳақлари билан шуғулланувчи ноҳукумат ташкилотлари бундай дипломатик баёнотга кўп ҳам ишонмасликларини айтмоқда.

Хусусан, маркази Прагада жойлашган “Муҳтожликдаги одамлар” (People in need) ноҳукумат ташкилоти Чехия расмийларининг инсон ҳақларига хурмат кўрсатмайдиган авторитар давлат раҳбарларини Прагада меҳмон қилиш аънарасига жиддий эътироз билдириб келади.

ТИББИЙ САБАБГА КЎРА ҚОЛДИРИЛГАН КАРИМОВНИНГ ЧЕХИЯ САФАРИ ФЕВРАЛГА РЕЖАЛАНМОҚДА

Бу ташкилотнинг Инсон ҳақлари бўлими етакчиларидан бири Ростислав Валвода бу эътирозни шундай шарҳлайди:

- Биз ҳукуматлар даражасида муносабат бўлмаслиги керак, деяётганимиз йўқ. Аммо асосий савол давлат сафарлари мақомидаги юқори даражали муносабат қилинар экан, бундан қандай фойдаланиш билан боғлиқ.

Кўп ҳолларда бундай сафарлар диктаторларни легаллаштиришга хизмат қилмоқда. Биз диктаторларни демократик давлатларга меҳмонга қақириш орқали уларга шундай имтиёз берилишига қаршимиз, дейди Чехиядаги нуфузли ноҳукумат ташкилоти фаоли.

Диктаторлар демократик Чехияга келар экан, кенг жамоатчилик олдида ўз қилаётган ишлари туғдирган саволларга жавоб бериши керак, деган Валвода Прага расмийларини Ўзбекистондаги инсон ҳақлари ва демократия вазиятини Каримов билан учрашувларда очик ва ҳалол муҳокама қилишга қақиради:

- Биз бу учрашувларда Андижон қирғини, инсон ҳақларининг топталаётгани, ноҳукумат гуруҳлари ва мустақил матбуотга нисбатан тазйиқ каби масалалар очик тилга олинишини сўраймиз.

Бу муаммолар энг юқори даражада, ёпиқ эшиклар ортида эмас, айнан жамоатчилик учун очик тарзда муҳокама қилинсин, дейди Озодлик билан суҳбатда Ростислав Валвода.

"Ўзбек пахтасини сотиб олиш тўхтатилсин!"

Мазкур ташкилотнинг яна бир лойиҳаси “Болалар меҳнати тўхтатилсин!” деб номланади. Дунё бўйлаб болалар меҳнатидан фойдаланиш амалиётига қарши курашиб келаётган халқаро гуруҳлар билан бирга ишлаётган бу кампания мувофиқлаштирувчиси Павла Зачалова (Pavla Jebilí Začalová) Каримов сафари давомида тилга олиниши лозим долзарб муаммолардан бири ўзбек болаларининг мажбуран пахта теримига чиқарилиши эканини айтди:

- Чехия Ташқи ишлар вазирлиги расмий веб саҳифасига кўра, Ўзбекистон-Чехия иқтисодий ҳамкорлиги асосини пахта ташкил этади ва биз импорт қилаётган асосий маҳсулот бу ўзбек пахтасидир.

Халқаро конвенцияларга кўра, 18 га етмаганлар бола ҳисобланади ва 2013 йилги мавсумда ҳам ўзбек ҳукумати лицей ва коллеж талабаларини мажбуран пахтага олиб чиқди. Бу эса, болалар меҳнатининг бевосита давлат томонидан амалга оширилаётган энг ёмон кўринишидир. Болалар меҳнати билан терилган пахтани сотиб олинаётган даромад бир гуруҳ сиёсий элитага фойда келтираётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, биз ҳам ўзбек пахтасини сотиб олишни тўхтатишимиз лозим, дейди чехиялик фаол.

Озодлик билан микрофонсиз суҳбатда, Ўзбекистон-Чехия алоқаларидан яхши хабардор чех дипломати, халқаро майдонда йиллардан бери билдирилаётган бундай эътироз ва бойкотларга қарамай, Чехия ширкатлари ўзбек пахтасини сотиб олишга қизиқаётгани ва Каримов сафари давомида ҳам бундай импорт истикболлари муҳокама этилишини таъкидлади.

Қисқа справка

Чехия Ўзбекистондан пахта ва айрим озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олса, Ўзбекистон Чехиядан қурилиш материаллари, дори-дармон ва транспорт воситалари импорт қилади.

Ўзбекистон ҳукуматини 1989 йилдан бери бошқариб келаётган Ислам Каримов 1997 йилда расмий ташриф билан Прагага сафар қилган ва ўшанда Чехия пойтахти марказида жойлашган Озодлик мухбирлари билан ҳам учрашган эди.



Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди судьяси Дилфуза Ризаева Ўзбекистон Республикаси Миллий хафсизлик хизматининг Бухоро вилоят бошқармаси тезкор ходимлари томонидан 2013 йилнинг 28 декабрь куни ҳибсга олингани 10 январда маълум бўлди.

Бу ҳақда "Озодлик"ка хабар қилган Бухородаги ишончли манбага кўра, судья судланувчиларни пора эвазига озод қилганликда айбланмоқда.

Судья Дилфуза Ризаевага нисбатан Бухоро вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми (Мансаб ваколатини суиистеъмол

қилиш) ва 28/210-моддасининг 3-қисми (Пора олиш) билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари бошланган.

Бухородаги "Озодлик" манбасига кўра, 41 яшар Дилфуза Ризаева "гўёки диний ақидапарастликда айбланган шахсларни суд залидан озодликка чиқарган".

Судья Ризаева чиқарган ҳукмни давлат айбловчисининг протестига

ариза асосида Ризаевани қамоққа олди. Ҳозирда тергов ҳаракатлари бормоқда", деди манба.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг навбатчи ходими Ризаеванинг "шахсий сабабларга кўра ишга келмаётгани"ни таъкидлади. Айни пайтда у судьянинг жавобгарликка тортилиши факти бўйича изоҳ беришни истамади.

Бухоролик судья пора олган-

БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ СУДЬЯСИ ПОРАХЎРЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

биноан кўриб чиққан юқори инстанция суди озодликка чиқарилган икки нафар фуқарони қайтадан қамоққа олган.

"Дилфуза Ризаевани МХХ ходимлари ҳозирда жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг кўрсатмасига таяниб ҳибсга олинган. Судья дастлаб жазодан озод қилган шахслар ариза ёзиб, ўзларининг қуйи инстанция судида судьяга пора берганини иддао қилишган. МХХ эса ана шу

ликда гумон қилиниб кейинги кунларда қўлга олинган иккинчи ўзбекистонлик судьядир.

Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро судининг собиқ судьяси 34 яшар Фахриддин Жуманазаров Ўзбекистон жиноят кодексининг 210-моддаси 2-банди, яъни катта миқдорда пора олишда айбланиб қўлга олингани тўғрисида Озодлик куни кеча хабар берган эди.

ozodlik.org

Қозоғистонда бир тоифа меҳнат муҳожирларининг фаолиятини легаллаштирувчи қонун кучга кирган. Бироқ ҳуқуқ ҳимоячилари ушбу қонун кутилган натижани бермаслигини айтиб танқид қилиб чиқмоқда. Қонун бўйича ўзига тўқ қозоқлар 5 нафаргача меҳнат муҳожирини уй юмушларига жалб қилиши мумкин.

"Қозоғистон республикасининг меҳнат муҳожирлари тўғрисидаги айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги қонун 8 январ куни кучга киргани айтилмоқда. Унга кўра Қозоғистон фуқаролари бир йилгача беш нафар меҳнат муҳожирини уй юмушларига ишлатиши мумкин.

Қонунда шунингдек, бармоқ изларини олиш орқали меҳнат муҳожирлари устидан назорат оширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

ҚОЗОҒИСТОНДА МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИГА ДОИР ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Бироқ инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ушбу қонун Қозоғистондаги меҳнат миграцияси талабларига жавоб бермаслигини айтишмоқда. Чимкентда фаолият юритувчи "Сана сезим" ҳуқуқий маркази раҳбари Ҳадича Абишеванинг Би-би-сига маълум қилишича, қонунчиликда белигиланган бешта одамгача ишга ёллаш мумкинлиги тўғрисидаги чекловлар нотўғри. Унга кўра келаётган меҳнат муҳожирлари асосан қурилиш соҳасига келади. "Чунки гуруҳ ёки бир бригада

ишчиларни ёллаш мақсадида олиб келган шахсларга бирор қурилишни амалга ошириш учун 5 киши камлик қилади. Улар 20-25 кишини олиб келишади ва бу одамларни оиласи орқали расмийлаштиради. Агар одамлар вазиятдан чиқиб кетишга йўл топаверса, чегаралашнинг нима кераги бор. Бу яна коррупцияга йўл очиб беради", - дейди Ҳадича Абишева. Қонун бўйича энди уй юмушларига жалб қилинган мигрант давлат ғазнасига ойига 22 доллар атрофида солиқ тўлайди. Шу тариқа бир йилгача Қозоғистондан чиқмасдан ишлаб юриши мумкин. Мутасаддилар бунинг ортидан давлат ғазнасига сезиларли маблағ тушишини кутишмоқда.

Лекин ҳуқуқ ҳимоячилари ушбу берилган имтиёзлар Қозоғистоннинг эҳтиёжи ва бу ерга келаётган мигрантларнинг талабини қондирмаслигини

айтишади. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдаги муҳокамаларда қатнашган ҳуқуқбон Ҳадича Абишева Қозоғистон ҳукуматининг талабга жавоб бермайдиган қонунни қабул қилганини тушунмаслигини айтади.

"Бу ерда ҳамма нарса оз оздан қилинишга ҳаракат қилинади ва ўз навбатида нотўғри қилиб қўйишдан қўрқишади. Натижада шу каби хом қонунлар юзага келади. Кўплаб нодавлат ташкилотлари халқаро мезонларга мос қонун қабул қилиниши кераклиги



ҳақида бонг уришди. Аммо нима учун депутатларимиз бу каби номукамал қонунларни қабул қилишининг сабабини билмайман", - дейди Ҳадича Абишева.

Абишева хонимнинг айтишича, қонун лойиҳаси муҳокама қилинаётган нодавлат ташкилотлари мигрантларни ишга жалб қилиш борасида ҳеч қандай тўсиқ ва чеклашлар бўлмаслигини таклиф қилишган.

Бундай тўсиқлар уларнинг ҳуқуқларини чеклаш билан бирга, мамлакатда коррупциянинг илдиз отишига сабаб бўлади.

Қозоғистонда норасмий манбааларга кўра ҳар йили 800 мингдан ортиқ Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари келиши айтилади.

Ўзбекистонликларнинг кўпчилиги қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат қилади.

Ушбу меҳнат муҳожирларининг аксарияти Қозоғистонда қонунни бузиб ишлаб юришга мажбур. Янги қонун уларнинг бир қисминигина легаллаштириши мумкин.

bbc.co.uk



Ўзбекистон махсус хизматларига яқинлиги билан танилган Узметроном сайти бензин қимматлашуви ҳақида мақола эълон қилди.

Одатда бу сайт ҳукумат сиёсатини, айниқса унинг юқори мулозимларини танқид қилавермайди. Аммо бу гал ҳатто бу сайт ҳам ўқинч оҳанглари хиргойи эта бошлаган.

Мақолада жумладан шундай дейилади: Ўзбекистон ҳукумати тарафидан махфий тарзда тайёрланиб, 10 январ куни амалга оширилган нефт маҳсулотларининг қимматлашуви оқибатида, автоматик тарзда барча товар ва хизматларнинг қимматлашишини тахмин қилиш қийин эмас.

Бунинг учун фолчига боришнинг ҳожати йўқ. Кўкка сапчиган инфляция таъминланди дея-

веринг. Агар Ўзбекистонда бир қатор кўрсаткичлар бўйича нархлар шундоқ ҳам осмонга чиққанини инобатга олсак, зўр-базўр, аранг кунини кўраётган аксарият аҳоли баъзи кундалиқ эҳтиёжларини қондира олмайётгани, озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишда қийналаётганига гувоҳ бўлинмоқда.

Энг сифатсиз молларга куни қолган халқ бундан ҳам баттар йўқсилликка тушиб, оилавий, шахсий сарф-харажатларини янада озайти-

сида ҳам кўпаймоқда.

Ўзбекистондаги ўртача ойлик маош Россия ёки қўшни Қозоғистондагидан кам, ва ўз навбатида нарх-наво эса сезиларли даражада юқори. Одамлар буни кўриб-билиб ва қиёслаб турибди.

“Серкўёш ўлка”га келаётган туристлар халқнинг аҳволидан ҳайратланишмоқда. Инқирозга юз тутган иқтисод, ўз чўнтагидан бошқани ўйламайдиган ҳукумат – бу

“БИЗДАН КЕЙИН СУВ ОЛМАЙДИМИ!”

ришга мажбур бўлиши аниқ.

Аслида Ўзбекистон ҳукумати қандайдир иқтисодий ютуқлар ҳақида тинимсиз гап сотишига қарамай, бу давлат собиқ совет республикалари ичида энг қашшоғи бўлиб қолмоқда.

Мамлакатдаги ишга яроқли эркакларнинг учдан бири Россия ёки Қозоғистонда мардикорлик қилишга маҳкум этилгани бунинг яққол далилидир.

Яна бир далил шуки, Ўзбекистондан бутунлай кўчиб кетишни истаётган фуқаролар сони тобора кўпаймоқда ва бу тенденция нафақат славян, балки ўзбеклар ора-

ҳақиқатлар бугун ошқор.

Шуни кўшимча қилиш мумкинки, қора кунларнинг ортида ёруғ кунлар кўринадиганга ўхшамайди. Келажакда бири кетса, ўрнига бола чақаси келади ва улар ҳам давлатни ўмариб, халқни қийнайди. “Биздан кейин дунёни сув босмайди!” қабилида иш тутишади. Зотан уларнинг дастидан бошланадиган бу тўфон барибир уларнинг Женева, Франция ёки яна қайдаги қимматбаҳо қароргоҳларига етиб бормайди да!

Халқчи? Нима халқ? Халқ эса ҳар доимгидай жим ва бундан кейин ҳам жим қолаверади...

UZBEK.FM

Ўзбекистон интернетдан маълумотларни юклаб олиш тезлиги (download) бўйича 188 та давлат орасида 170-ўринни эгаллади.

Ушбу маълумот NetIndex компаниясининг рейтинг хулосалаларига кўра тарқатилди.

2014 йилнинг 4 январда поёнига етган рейтингга кўра, Ўзбекистонда интернетдан маълумотларни юклаб олиш тезлиги

сига 3,18 Мб. га тўғри келади.

Интернетга маълумотларни юклаш бўйича (upload) эса, Ўзбекистон дунёда 124-ўринни эгаллади.

Бу борадаги тезлик 1,95 Мб/с. Тошкент шаҳридаги кўрсаткич эса 2,83 Мб/с. экани маълум бўлди.

Таъкидлаш керакки, бу рейтингда биринчи ўринни Гонгконг эгаллади: (download: 69,38 Мб/с,



даланувчилар сони 18,3 фоизга ортиб, 7,1 млн. кишига етганини айтди.

Ўзбекистондаги интернет гўёки президентнинг алоҳида фахрланадиган мавзуларидан биридир.

Ундан фойдаланувчилар сонининг нисбатан ортиши эса президент Ислон Каримовнинг “ўзбекларнинг яшаши сезиларли даражада яхшиланмоқда” дея ғурур билан гапиришига нахотки асос бўлаётган бўлса?..

Лекин ушбу тезлик ҳамда баъзи манбалардан тўсиб қўйилган интернет билан нималарга эришиш мумкинлигини тахмин этиш қийин эмас.

UZBEK.FM

ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИ БЎЙИЧА ДУНЁДА 170-ЎРИНДА

(download) сониясига 2,42 Мб.га тўғри келади.

Компаниянинг таъкидлашича, бу маълумот 2013 йилнинг 6 декабридан 2014 йил 4 январигача бўлган муддат ичида ўтказилган тестлар асосида олинди ҳамда ушбу ташхисни олиши учун 60,72 мингдан кўпроқ IP-адресларидан фойдаланилди.

NetIndex маълумотлари шуни кўрсатадики, пойтахт Тошкент шаҳрида интернетдан маълумотларни юклаб олиш тезлиги сония-

upload: 57,74 Мб/с). Иккинчи ўрин Сингапурга насиб қилди: (59,53 Мб/с, 44,53 Мб/с).

Буни қарангки, Ўзбекистондаги кўрсаткич Анголаникидан ҳам паст бўлиб чиқди. Бу рейтингда Ангола 4,25 Мб/с. натижа билан 135-ўринни олди. Россия 30-ўрин: (21,09 Мб/с). Украина 33-ўринга мушарраф бўлди: (19,82 Мб/с.)

Ўтган йилнинг декабрида Ўзбекистон президенти Ислон Каримов мамлакатда 2012 йилдагига нисбатан интернетдан фой-



У ерда врачлар беморнинг юрагини операция қилишга қарор этишади. Рустам Иноятонинг уринишлари туфайли операция вақтида бутун касалхонада электр ўчирилади.

Шу тарика Ботир Эргашев операция столида вафот этди ва “идора” раисига ёқмайдиган кўплаб сирларни ўзи билан у дунёга олиб кетди.

Рустам Иноятонинг жиноятлари га шериклик қилган кимсалар сафи фақат давлат амалдорларидан иборат эмас. Шундай қилиб...

Жиноят оламининг вакиллари билан ҳамкорлик

Шундай кимсалардан бири Ўзбекистоннинг собиқ асфальт кироли Лазарь Шайбазян бўлиб, Рустам Иноятонинг топшириғига кўра, бу шахс “раис”нинг одамларини қатта сиёсатга олиб киришга хомийлик қиларди.

Хусусан, 2003 йил ноябрь ойида Ўзбекистон махсус хизматлари раҳбарининг топшириғига кўра, Лазарь Шайбазян Шавкат Мирзиёевни Бош вазир лавозимига тайинлаш учун ўз ҳисобидан 15 миллион нақд доллар ажратди.

Рустам Иноятонинг топшириғига бўйсунган Лазарь Шайбазян бу пулларни президент девони Ишлар бошқармаси бошлиғи Зелмихон Ҳайдаровга беради. Ҳайдаров эса Шайбазяндан олган 15 миллион нақд долларни МХХ раисининг топшириғига кўра, президентнинг турмуш ўртоғи Татьяна Каримовага етказди.

Ўзбекистоннинг собиқ асфальт кироли Шайбазян Рустам Иноятон ва унга тегишли “идора”нинг бошқа жиноятларига ҳам хомийлик қилган.

Шайбазян ўз “вазифалари”ни бажариб бўлгач, Рустам Иноятон ундан жуда осонликча кутулди-қўйди: асфальт киролининг жиноятлари ҳақидаги материалларни АҚШнинг МРБга етказди.

Америка ҳукумати айнан Ўзбекистон махсус хизматлари раҳбарининг тақдимоти га асосланган ҳолда Лазарь Шайбазянни “ғиёҳванд моддалар савдосига алоқадор ўта ҳавфли мафиози” – деб

эълон қилди. Шундан сўнг Шайбазян Ўзбекистондан қочиб, БААга бориб жойлашди.

Қатта молиявий ва бошқа жиноятларни содир қилишда Рустам Иноятонга яқиндан ёрдам бериб келган шахслар ичида энг нуфузлиси Гафур Раҳимов эди.

Иноятон ва унинг “идораси” ушбу “тадбиркор”нинг хизматларидан буюртмаларни қотилликларни амалга оширишда фойдаланишарди.

Ўзбекистон МХХ раисининг “маслаҳати” ва кейинчалик мамлакат президентининг топшириғига кўра, Гафур Раҳимов ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солихга қарши муваффақиятсиз амалга оширилган суиқасд учун икки миллион доллар ажратганини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Бироқ “идора” раиси Гафур Раҳимовни ва унинг маблағларини нафақат Ислом Каримовнинг душманларига қарши, балки президентнинг ўзига ва оила аъзоларига қарши ҳам ишлатиб келди. Чунончи, 2004-

тадбиркор”ни, албатта, бажонидил йўқ қиларди.

Энди Иноятон жиноий бизнеси ва бошқа қилмишларига шерик бўлган бир қатор яқинларини бартараф қилса, бўлди. Бартараф қилинишга “номзодлар” қаторида бир нечта амалдорлар ва “йирик тадбиркор”лар бор.

Хусусан, Иноятоннинг нишонидан Ўзбекистон молия вазири Рустам Азимов, Бош прокурор Рашид Қодиров, президент девони бошлиғи Зелмихон Ҳайдаров бор.

Вақти келиб, Ўзбекистоннинг бош “чекисти” Шавкат Мирзиёевни ҳам бартараф қилади. “Тадбиркор” Салим Абдувалиевни ҳам худди шу қисмат кутмоқда.

Рустам Иноятон томонидан амалга ошириладиган шу ва бошқа ўзгаришлар ягона мақсад учун қилинади. Шундай қилиб...

Бутун мамлакатни эсенбиллаштириш

Рустам Иноятон анчадан бери давлат ва кучишлатар тизимларни

ЎЗБЕКИСТОН МХХ РАИСИ Р.ИНОЯТОН ТОМОНИДАН БУЮРИЛГАН ҚОТИЛЛИКЛАР ВА БОШҚА ЖИНОЯТЛАР ҲАҚИДА

2006 йилларда айнан Рустам Иноятоннинг маслаҳати ва топшириғига кўра, Гафур Раҳимов Гулнора Каримовани ғиёҳванд моддаларни қабул қилишга ўргатиш операциясини ташкил қилишга ва молиялашга бериб кетди.

Бу ҳақида, яъни Гафур Раҳимов Гулнора Каримовани наркотик моддаларни қабул қилишга ўргатишга ҳаракат қилгани ҳақида Ислом Каримов хабар топгач, президент Рустам Иноятонга Гафур-бойни зудлик билан ҳибсга олиш ҳақида буйруқ беради. Бироқ Ўзбекистон махсус хизматлари раиси “йирик тадбиркор”га Ўзбекистонни зудлик билан тарқатиш имконини яратиб, мамлакатдан чиқиб кетишидан олдин ўзбек мафиозисидан деярли 100 миллион нақд доллар олиб қолди.

Кейинчалик эса “идора” раҳбари президент Каримовга Гафур Раҳимов, гўёки, уйда йўқлиги ҳақида “ахборот” берди. Бундан ташқари, у Раҳимовни маҳаллий ва халқаро қидирувга бериш ҳақида президентга маслаҳат берди.

Агар Гафур Раҳимовни Россия ҳукумати ва шахсан Владимир Путин ҳимоясига олмаганда, Рустам Иноятон ўзбекистонлик “йирик

эсенбиллаштириш режасида юрибди. Баҳодир Матлубовнинг ички ишлар вазири лавозимидан четлатилишининг оммага ошқор қилинмаётган сабабларидан бири МХХнинг ИИБ ва ички ишлар идоралари устидан ўрнатган зулмидир.

Лекин бу ҳолат янги ички ишлар вазири Адхам Аҳмадбоев МХХдан чиққан одам дейишга асос бўла олмайди.

Яъни “Озодлик” радиосининг: “Аҳмадбоев қачонларидир ўзбек махсус хизматларида ишлаган” – деган хабари ҳақиқатдан йирик.

Бугунги кундаги тўла мххпараст ва иноятонпараст тузилмалар сифатида Бош прокуратурани (Бош прокурор Рашид Қодиров – МХХдан чиққан ходим) ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасини (Спикер Дилором Тошмухамедова – Ўзбекистон МХХ полковникининг турмуш ўртоғи) кўрсатиш мумкин ҳолос.

Тошкент вилоятининг ҳозирги ҳокими генерал Аҳмаджон Усмонов гарчи ички ишлар идораларидан чиққан бўлса ҳам, Рустам Иноятонга ва унинг “идораси”га содиқ ҳамда тобеъ шахслардан яна биридир.

Давоми келгуси сонда



Нух алайҳиссалом

Аммо кеманинг қандай ясалишини билмасди (38).

- Ё Роббий, кемани қандай курайн?, — деб сўради у.

- Уни уч суратда яса: боши хўроз бошига ўхшасин, қорни куш қорнига, куйруғи хўроз куйруғига ўхшасин. Ва уч қаватли бўлсин, — деб буюрилди (39).

Нух алайҳиссалом кема ясашга бошлади (40). Кесилган (41) сож (42) дарахтидан тахталар бичди (43). Уч йил бу иш билан машғул бўлди (44). Кейин темирдан миҳ ясади. Кема учун зарур бўлган (45) зифт (катрон) ва бошқа (46) нарсаларни ҳозирлади (47). Қилинадиган ишларнинг ҳаммасини ўз қўли билан қилди (48). Қўлидаги асбоблар билан ҳеч янглишмас эди (49). Нух алайҳиссалом кемани ясар экан, қавмининг одамлари йўлдан ўтаётди:

“Эй Нух, энди пайғамбарликдан кейин дурадгорлик қиляпсанми-а?”, — дея унинг устидан кулишарди (50).

Нух алайҳиссалом:

- Сиз бизни масҳара қилаверинг, биз ҳам сизнинг холингизга худди шундай кулажакмиз. Охиратда ҳам доимий азоб кимнинг бошига тушишини келажакда кўражаксиз, (- деб жавоб берарди уларга). (55)

Кеманинг қурилиши икки йил давом этди (56). Ундан кўпроқ давом этгани ҳақида ҳам ривоятлар бор (57).

Кеманинг тузилиши

Кеманинг узунлиги Нух алайҳиссаломнинг отаси ва бобосининг зирон ўлчови билан 300 зиро, эни 50 зиро, баландлиги 30 зиро эди (58). Шунингдек, бу кеманинг узунлиги 670, эни 330, баландлиги 33 зиро (59) ва ёки узунлиги 1200, эни 600

зиро бўлгани ҳақида ҳам ривоятлар бор (60). (Зиро — тирсакнинг учидан ўрта бармоқ учига қадар (61) ва ёки тирсакдан елкага қадар узунликка айтилган (62)). Кема ост, ўрта ва уст қават ўларок (63) уч қаватдан иборат эди (64). Кеманинг ҳар қати 10 зиро юксакликда эди (65). Уларнинг ёруғ кириши учун дарчалари бор эди (66). Кеманинг устма-уст (67) учта эшиги бор эди (68). Кеманинг уст қатида ичиш суви учун омбор ва икки ёнига озик-овқат учун сандиқлар ясалган эди (69). Кеманинг 6 зироси сув ичида эди (70). Тўрт зиро сув ичида эди деган, ривоятлар ҳам бор (71).

Кеманинг гавдаси куш кўкси каби (72) сувни қулай ёражак бичимда (73) қайрилган эди (74). Кеманинг бош тарафи хўроз бошига, қорни куш қорнига, куйруғи эса хўроз куйруғига ўхшарди (75). Кеманинг қанотлари ҳам бор эди (76). Унинг тахта парчалари темир миҳлар билан

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (4)

миҳланиб (77), беркитилган эди (78). Тахталар орасидан сув кирмаслиги учун, кема ичидан ва ташқарисидан зифтланган (катрон билан сувалган) эди (79).

Кемага минилган вақт, кимларнинг мингани, минганлар сони

(Аллоху Таоло Нух алайҳиссаломга:) деди: “Ниҳоят замон келиб, тандир қайнаган онда, ҳар навадан (эркак ва урғочи) иккита олиб ва, ҳалокатлари аниқ бўлганлар мустасно, оилангни ва иймон этганларни олиб, кемага юкла.” Зотан, унинг атрофида оз сонли кишилардан ташқари иймон этганлар йўк эди. (Нух алайҳиссалом иймон этганларга): “Мининг кемага, унинг сузиши ҳам, тўхташи ҳам Аллоҳнинг исми иладир. Шубҳа йўкки, Роббим ёрлақагувчи ва шафқатлидир”, деди (80).

Нух алайҳиссалом ўғиллари Сом, Ҳом ва Ёфас, уларнинг хотинлари (81) ни ва ўзига иймон этган 6 кишини кемага миндирди. Битта ўғли Ём (Капон) эса орқада қолди (82). Чунки у кофир эди (83).

Нух алайҳиссаломнинг хотини (84) Воила ҳам (85) кофир эди. У қавмига Нух алайҳиссаломни “жинни” деб айтарди (86). У ҳам қавми каби куфрда ўжарлик қилиб, сувда чўкиб ўлди (87).

Кемага минганлар сони Нух алайҳиссалом, учта ўғли ва хотинлари билан бирликда саккиз киши, деган ривоят бор (88). Шунингдек, 15 эркак ва 5 та хотин (89), ва ёки 10 эркак билан 10 та хотин деган ривоят ҳам бор (90). Ҳатто 80 киши кема-

га минган деган ривоят ҳам мавжуд (91).

Одам алайҳиссалом тобутини кемага юкланиши

Жаброил алайҳиссалом келтирган тобутга (92) қўйилган Одам алайҳиссалом жасади кемага юкланди (93) ва эркаклар билан хотинлар орасига қўйилди (94).

Кемага минганларида ражаб ойининг ўн кечаси ўтганди (95).

Қиролнинг кема ва ичидагиларни ёқиш учун келгани

Нух алайҳиссаломнинг кемага мингани ва озик-овқатларни юклаганини эшитиб, Қирол Дармасил:

- Уларни оқизиб, суздиражак сув қаерда?, — деди ва кемани ёқиш учун бир гуруҳ суворийлари билан кема турган жойга кетди. Улар орасида Нух алайҳиссаломнинг ўғли Ём ҳам бор эди.

Қирол Нух алайҳиссаломга:

- Кемани оқизадиган сув қаерда?,

— деб сасланди.

Нух алайҳиссалом:

- Сув сен турган жойда, сенга келажакдир, — деб жавоб берди.

- Бу жуда хайратланарли нарса. Демак, сен курук тупроқда сув, селлар пайдо бўлади, деяпсан-а? Қани, сен ва ёнингдагилар кемадан дарҳол тушинглар, акс ҳолда, ҳаммангизни оташда ёқаман, — деди Қирол.

Нух алайҳиссалом:

- Аллоҳга қарши кибрингни юксалтма, иймонга келишга шошил, яхшиси. Аллоху Таолога шерик қўшишни тўхтатиб, мусулмон бўл, тўғри йўл шудир. Йўкса, азоб олдингда бисёрдир, — деди.

Тўфон хабари. Инкор ва талош-ланиш

Нух алайҳиссалом Қирол билан гаплашар экан, бир одам келиб, бир хотин нон ёпаётганда тандир ичидан сув пишқириб чиққани ҳақида хабар берди.

Қирол:

- Тандирдан сув пишқириши мумкин эмас, — деди.

- Эсизгина сен, бу илоҳий ғазабнинг ишорати, Роббим менга бунини ваҳий этди. Бу бутун ер юзининг илма-тешик бўлишига ишорат. Сенинг отинг оёгини қаердан кўтарса у ердан сув пишқиришига ишоратдир, — деди Нух алайҳиссалом. Қирол отини кимирлатган эди, от оёқлари турган жойдан сув отилиб чиқа бошлади. Отни қаерга ҳайдаса ҳамма жойда шу такрорланди.

Қиролнинг таҳқиқ учун юборган одами келиб, сувнинг кўпайиб,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)
қайнаб чиқа бошлаганини хабар қилди. Қирол оиласи ва ўғлини олиб, тоғ бошига қурдирган Маокилга чиқиш учун, уйига кетди (Маокил — бутлар сонига кўра қурилган 7 та сифинадиган жой). Тўфон бўлишини ҳамма англаганиди, аммо қачон бошланишини билишмасди. Шу сабаб Қирол Маокилни озик-овқат билан тўлдирганиди.

Қирол ва оиласи тоғ бошига чикмоқчи бўлганларида тоғ тепасидаги чўққилар кулаб, пастга туша бошлаганини кўрдилар. Улар қаерга боришни билмай котиб қолишди. Ердан пишқириб чиқаётган сув иссиқ ва бадбўй эди (96).

Тўфоннинг ёйилиши

Осмондан ёғган ёмғир ва ердан отилиб чиққан сувлар бирлашиб (97) бутун ер юзини ва тоғларни қоплади (98). Ҳатто юксакликдаги тоғларнинг 15 зиро устига чикди (99). Куёш ва ой нурлари қорайди. Дунё зулмат ичида қолди. Кеча кундуз бир бўлди (100). Ёғин 40 кун давом этди (101). Сел босмаган жой қолмади дунёда (102).

Беш бутнинг тўлқинлар устида Жиддага келиши ва у ерда тупроққа кўмилиши

Тўфон сувлари Вадд, Сува, Ёғус, Ёук ва Наср исмли бутларни Навз тоғидан юлиб олиб, ерга индирди. Ва шиддатли оқинлари билан бир ўлкадан иккинчисига судради. Ниҳоят уларни Жидда тупроғига улоқтирди. Шамоллар эсиб, бутларни тупроқ билан кўмди (103).

Кемадагилардан бошқаларнинг сувда бўғилиб ўлиши

Тўфон сувида бўғилиши керак бўлганлар бўғилди (104). Нуҳ алайҳиссалом ила кемадагилардан бошқа ер юзида ким бўлса, ҳаммаси тўфонда чўкиб, ҳалок бўлди (105).

Тоғ тепасига чиққан она-боланинг ҳалоки

Ҳазрати Ойшанинг Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилишларича, сел кўчаларни ва йўлларни боса бошлаганда, жонидан севган боласини қутқариш учун бир она тоққа чиқади. Тоғнинг учдан бирига кўтарилганда, сув унга етади, она яна юксакка чиқади, сув яна унга етади, хотин тоғнинг энг юксак чўққисига чиқади, сув у ерга ҳам етади.

Шунда она боласини кўлларида боши устига кўтаради, лекин сув омонсиз равишда икковини ҳам қоплаб, олиб кетади. Агар Аллоҳу Таоло Нуҳ қавмидан бирортасига шафқат қилмоқчи бўлсайди, ўша гўдакнинг онасига шафқат қиларди, деган Пайғамбаримиз алайҳиссалом. (106)

Кеманинг ЖУди тоғи устида тўхташи

Нуҳ алайҳиссаломнинг кемаси бутун дунёни айланди (107). Аввал соғ тарафга сузиб, Ҳабашистонга борди. Кейин Жидда тарафга йўналди.

Сўнгра Рум ўлкасига қараб суза бошлади. Румдан орқага сузиб, Муқаддас Арзга йўналди (108). Кейин Макка Ҳарамига етди. Ҳарам Шарифни 7 марта айланди (109), кейин (110) Яманга кетди.

У ердан қайтиб (111) Жўди тоғига келди.

Аллоҳу Таоло самога “сувингни тут, тўхтаг”, ерга эса “сувингни ют”, деб амр берди.

Ва ёғин тўхтаб, тоғлар устига чикқан селлар қайта бошлади, кема ҳам Жуди тоғининг устига ўтирди (112).

Кеманинг қанча сузгани ва кемадагиларнинг Ерга тушган вақти

Нуҳ алайҳиссаломнинг кемаси

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (4)

тўхтамасдан 6 ой сувда (113), тоғлар каби тўлқинлар орасида оқиб (114), дунёнинг ҳар тарафига борди (115).

Юз эллик кун сузди, деган ривоят ҳам бор (116).

Нуҳ алайҳиссалом Жуди тоғида 1 ой қолиб, сувлар қайтиб, ерлар қуриганда, ёнидагилар билан муҳаррам ойининг ўнинчи куни тоғдан пастга инди. Ўша куни кема халки шукр ўручи (рўза) тутдилар (118). Нуҳ алайҳиссалом кемадан тушаркан, кемани қулфлаб, қалитини ўғли Сомга берди (119).

Самонинг шаҳрининг қурилиши

Нуҳ алайҳиссалом Кардада Самонин деб аталган жойда ёнидагиларнинг ҳар бирига биттадан уй қурди (120). Самонин Мукулнинг уст тарафида, Ибн Умар жазирасининг яқинидаги Жуди тоғининг ёнидаги бир тумандир (121). Ибн Ҳабиб (245 хижрийда вафот этди), Ибн Қутайба (вафоти 276 хижрий), Табарий (вафоти 310 хижрий), Ибн Асир (вафоти 630 хижрий), бу кичик шаҳарнинг улар замонида Сўкий Самонин исмида бор бўлганини билдирганлар (122). Маъсудий (вафоти 346 хижрий) тоғ этагидаги бу шаҳарчанинг у яшаган пайтда фақат “Самонин” исмида бор бўлганини билдирган (123).

Ёкут (вафоти 626 хижрий)га кўра, Нуҳ алайҳиссаломнинг қурган Масжиди Альон ҳали ҳам у ерда мавжуддир (124). Нуҳ алайҳиссалом Самонинда ерлашиб, у ерга экин экди, узум кўчатлари ўтказди. Яшаган жойини текислаб, тартибга солди (125). Бир муддат сўнгра Самонин халқи вабога учради. Нуҳ алайҳиссалом ва

ўғилларидан бошқа ҳаммаси ўлди (126).

Жуди тоғи қаерда?

Жудитоғи Мукул тупроқларидадир (127). Мукулнинг Ҳиснайн (128) ва ёки Ҳадийд мавқеида (129).

Жазарада (130) Мукул яқинидаги жазирададир (131). Мукул туманларидан Ибн Умар жазирасида (132), Босурийдадир (133).

Ибн Умар жазираси Мукулнинг устида 3 кунлик масофадаги бир ердир (134). Босуринда, Дижла дарёсининг кунчиқарида, Мукул мулҳақатиндан бир ноҳиядир (135).

Жуди тоғи Жазирада, Карда ноҳиясидадир (136). Жуди тоғи Кўрда ва Забди карерларининг тоғидир (137).

Карда Жазирада, Жуди тоғи яқинида бир қишлоқ бўлиб, Ибн Умар жазираси яқинидаги Самонин қишлоғига ҳам яқиндир (138). Жуди тоғи билан Дижла ораси саккиз

фарсаҳдир (139).

Бир фарсаҳ 13 ҳошимий мили ва ёки 12 ва ёки 10 минг зиродир (140). Бир мил 4 минг зиродир (141).

Аллоҳу Таолонинг шарафлантирган уч тоғи

Аллоҳу Таоло тоғлардан 3 та тоғни шарафлантирди. Жуди тоғини Нуҳ алайҳиссалом билан, Турий Сийно тоғини Мусо алайҳиссалом билан, Ҳиро (Нур) тоғини Муҳаммад алайҳиссалом билан шарафлантирди (142).

Нуҳ алайҳиссаломнинг тўфон кемаси ва унинг оқибати

Аллоҳу Таоло Нуҳ алайҳиссалом қавмини зулм қилиши давом этаётган пайтда сувга чўктириб ҳалок қилди. Нуҳ алайҳиссалом билан кемадаги ҳамроҳларини қутқарди (143).

Унинг кемасини Жазира тупроғида (144) Жазира тупроғидан Кардада (145) Карда қишлоғининг тоғи бўлган Жуди тоғининг (146) тепасида инсонларга бу ибрат бўлсин деб қолдирди (147). Кема узоқ вақт у ерда қолди (148).

Нуҳ алайҳиссалом умматидан қанча-қанча киши уни бориб кўрди, томоша қилди (149), кейин кема чириб қул бўлди (150).

Тафсир китобларимиздаги фикрлар шундай. Қизик, Қуръони Каримнинг “Қамар” суръаси 15- оятидаги мутлақ баёнга асосланиб, Кеманинг Жуди тоғи устида тошга айланган шаклда ибратли бир мўъжиза ўлароқ ҳали ҳам турган бўлиши мумкин эмасми?

Давоми келгуси сонда



Озодликнинг Тошкентдаги манбалари адибнинг жанозаси бугун пешин пайти ўқилгани ва у пойтахтдаги Камолон қабристонига дафн этилажагини маълум қилдилар.

Аҳмад Аъзам 1949 йили Самарқанд вилоятининг Жомбой туманига қарашли Ғазира қишлоғида туғилган. 1971 йили у Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини битирган.

У “Гулистон” журнали, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Совет Ўзбекистони санъати” журнали таҳририятида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишлаган.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирига келиб Аҳмад Аъзам сиёсий фаолият билан актив шуғуллана бошлаган, “Бирлик” халқ ҳаракати ҳамраиси, “Эрк” демократик партияси бош қотиби бўлган.

У 1999-2004 йиллар мобайнида Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты сифатида фаолият кўрсатган.

Аҳмад Аъзам 1995 йилдан Ўзбекистон телевидениесида бош муҳаррир, “Ўзбекистон” телеканали бош директори, “Ўзбектеlevision” студияси бош директори лавозимларида ишлаган.

Ўзбекистон телевидениесида юзлаб кўрсатув ва ҳужжатли фильмлар қилган, улардан энг

машҳурлари “Ўзлик”, “Халқнинг кўнгли”, Тўртинчи ҳокимият” қабилардир.

Адибнинг “Ойнинг гардиши”, “Бу куннинг давоми”, “Аскартоғ томонларда”, “Соясини йўқотган одам”, “Ҳали ҳаёт бор” деган нарсий асарлар, “Масъул сўз” деган адабий-танқидий мақолалар

тўпламлари, “Ўзи уйланмаган совчи”, “Рўё ёхуд Гулистонга сафар” романлари чоп этилган.

2011 йил ёзида Озодлик саволларига жавоб берган Аҳмад Аъзам умрининг сўнгги 20 йили ҳақида тўхталаркан, бу вақт мобайнида Ўзбекистон телевидениесида ишлаб, қатағонга учраган 200 га яқин киши тақдири ҳақида юртдошларига ҳикоя қилиб беришга муваффақ бўлганини айтганди.

- Халқимизнинг бардоши чўнг, чуқур. Халқимизнинг бошидан кўп нималар ўтган, жуда катта адолатсизликларни кўрган, адолатсизликларга бардош берган халқ.

Бундан ўзим учун чиқарган хулосам – одамлар ўша Шўро замонидagi қатағонлар пайти қандай яшаган, ўзини қандай тутган, энди шундай хатолар такрорланмаслиги учун нималар қилиш керак – одамларнинг эътиборини шунга тортишга ҳаракат қилдим.

Худога шуқур қилишим керакки, мана шу кўрсатувларим туфайли ҳам халққа мен бошқатдан танилдим.

Илгари одамлар [мени] ёзувчи сифатида, сиёсатга аралашиб юрган одам сифатида билган бўлса, энди журналист сифатида ҳам (...) халқ эътиборига сазовор бўлдим.

Мен, масалан, шундан хурсандман, — деганди Аҳмад Аъзам.

“Аҳмад Аъзам ўзбек адабиётининг сўнгги босқичдаги энг йирик ёзувчиларидан бири эди, унинг вафот этгани бизни, албатта, қайғуга солди” деган шоир ва мухолифат лидери Муҳаммад Солиҳ адиб дўстининг яқинларига таъзия изҳор қилди.

- Аҳмад Аъзам биз учун фақат бир ёзувчи эмас, балки дўстимиз ҳам эди. Бизнинг ёшлигимиз, адабиётдаги ҳаётимиз биргаликда кечди.

Бутун қийинчиликлар, машаққатлар, қувончлар ва ғамлар — ҳаммасини Аҳмад Аъзам билан баҳам кўрдик.

Яқин дўстим эди Аҳмад Аъзам. Оллоҳ раҳматига олсин, жойи Жаннатда бўлсин. Яхши инсон

ЎЗБЕК АДИБИ АҲМАД АЪЗАМ ДУНЁДАН ЎТДИ

Шу йилнинг 4 январь куни машҳур ёзувчи, ўзбек тили жонкуярларидан бири Аҳмад Аъзам оламдан ўтди. 64 ёшида дунё билан ҳушлаган ўзбек ёзувчиси, гувоҳларга кўра, анчадан буён буйрак хасталигидан азият чекиб келган.

эди, кўнгилчан инсон эди. Биз бу сиёсатга бирга кирдик, кейин сиёсатдаги йўлларимиз айрилди.

Шунга қарамасдан, мен доим бу инсонга катта ҳурмат туйганман ва унинг оиласига шу қайғули кунда ўз таъзиямни билдираман.

Хусусан, Аҳмад Аъзамнинг рафикаси Фароғат хоним ва болалари бизнинг оиламиздан бу таъзиямизни қабул қилсинлар.

Оллоҳ марҳумнинг жойини Жаннат қилсин, — деди Муҳаммад Солиҳ.

Муҳаммад Солиҳнинг Амир Темур ҳақидаги яна бир шеъри шоирларнинг Совет даврида қандай шароитда яшаганини кўрсатадиган бир ўрнақдир.

Шоир маълум тарихий шахсларни изма-из санаб, худди фол очган-симон, мажхул бир шахсиятга, Амир Темурга бизни олиб келишга уринади:

Минг ярим йил бери

Шоҳ Искандардан,

Кўкхун Аттилодан ўн аср йироқ,

Ўн уч аср кейин Юлий Қайсардан,

Махмуд Ғазнавийдан

уч юз йил берроқ.

Аммо Бонапартдан

тўрт юз йил нари,

Яна ҳам нарироқ

*Орий Буқадан ...**

Инқилобдан олти аср илгари

Демак олти юз йил

биздан муқаддам,

Чунки у Бобурга яқин жуда ҳам,

Ўтган-кетганларга парво

қилмай ҳеч,

Мутаола этарлар

Газетани тескари ушлаб.

Дунёни бошқача кўрар болалар,

Чоллар ҳам ўзича ўқийди уни.

Ўзи яшаётган ҳаётга эътироз қилиб шоир ҳақиқатнинг кўринган шаклидан бошқа эканлиги, унинг тескарисини эканлигини ифодалайди. Шоир яна бир шеърида ҳаётнинг бутун соҳаларида кирлиниш, бузилиш юз бераётганини ёзади.

Аммо хали-ҳам бузилмаган, ифлосланмаган баъзи нарсаларни борлигини кўриб хайратланади, ўзининг булбуллигини суистъёмол қилмаган бир булбулни кўриб, шоир хайратга тушади.

Шеър ёзилмаган бир гулга дуч келиб, хайрон бўлади. Уни энг кўп хайратлантирган нарса эса бирор одам тарафидан бошқа бир одамга қараб отилмаган тошдир:

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

Эҳтимол, етмиш йил,

етмиш ҳам чиқмас

Улугбекка эса жуда ҳам яқин,

Сарой бўсағасин ҳатлаб

ўтсанг бас !

* Орий Бука – Адолф Ҳитлер назарда тутилган.

7. ҲАЁТ ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

Муҳаммад Солиҳнинг шеърларида кундалик ҳаётга оид тасвирларга кўп дуч келишади.

Унинг шеърларини ўқиб, Совет Империясидаги турмуш тарзининг хусусиятларини тасбит этмак мумкин дидир.

Бу шеърлар 1990 йилгача ҳур дунёга жаннат деб ташвиқот қилинган мамлакатнинг аслида жаҳаннамга кўпроқ ўхшаганини кўрсатгани учун муҳим аҳамият касб этади.

Етмиш йил давом этган Совет ҳокимияти даврида инсонларга уларнинг ҳаёти мукамал бир ҳаёт эканлиги, бошқа мамлакатда эса халқлар жуда ёмон яшаётганлиги уқтирилари эди.

Бунга ишонганлар бўгани каби, ишонмаганлар ҳам бор эди.

У ўзига талқин қилинган ҳаётнинг талқин қилингандан бошқа эканлигини англаган шоирдир.

У ўзининг “Болалар ва оталар” шеърларида ўз фикрини шундай тилга келтиради:

Болалар дунёни бошқача кўрар-

Оёғни осмонга қадаб,

Қўлида юради болалар

Дунёга бошқача қаромоқ учун

Дунёни ўзгача тушунар чоллар-

Кечқурун, хиёбонда,

Мен тош кўриб қолдим дафъатан

Ҳеч қачон, ҳеч кимга

отилмаган тош !

Муҳаммад Солиҳ “Балки” номли шеърларида “балки” сўзининг инсонни бу ҳаётда боғлаган

унсур эканини айтади.

Ҳар қуни,

Ҳар лаҳза,

Тинимсиз,

Қармоқ пўкагидай

сирли “лик” иллар

Замин узра “балким” деган сўз.

“Балки” сўзи фақат шоирни эмас, бутун жамиятни алдаб турган ёлғончи бир пўкақдир. Шунга қарамай, шоирнинг эртага кўкдан кутганлари бор. Фақат у бошқаларнинг кутмаган нарсаларини кутади.

Бу нарсаларнинг нима эканлигини очиқ айтмаса-да, уларнинг кун сайин яқинлашаётган нарсалар эканини ҳис этади:

Мен билмайман, фақат,

фақат ҳар кун сезаман,

Лаҳза сайин яқинлашиб

келар нимадир.

.....

Яқинлашиб келаверар гурас

ва гурас,

Нафасимни ич-ичимга ютиб

ётаман.

Фақат қутиш лозим бўлган

нарсани эмас,

Қутилмаган нарсаларни

кутиб ётаман.

Муҳаммад Солиҳ эртаги кунини кувватли ташҳис этган бир шоирдир. Унинг ҳар кимдан фарқли шаклда лаҳза сайин яқинлашаётган нарсанинг янги ҳаёт эканлиги 1980 йилда

– Советлар Иттифоқи йиқилгандан сўнг – бир ҳақиқатга айланди.

Шоир “Яшашни ўргатай” шеърларида турмуш қийинчиликларидан сўз очиб, бир сўм пул билан қандай бахтли яшаш мумкинлигини, қийинчиликларга қарамай табассум этиш санъатини ўргатади. Бунинг сирини шоирнинг ўзи ҳам билмайди:

Сенга ўргатаман, кел ўлтир,

Ўзим эпложмаган бир фанни.

дейди у шеър оҳангида.

“Кўрқок одам” номли мансурасида шоир кўрқувнинг ҳаётга ҳоким бўлганини ифода этади.

Инсонлар ҳар қандай хабарни хавотир билан қаршилайдилар. Телефоннинг жириглаши, эшикнинг таккиллаши каби ҳоллар шоир учун хавотирга сабаб. Шоир қариндоши ё оғайнисини келса қочиб яширинади. Яна хабар хавотири ила почта қутиси ёнидан чопиб ўтади; биров чақирса кўрқувдан орқасига қайрилиб ҳам

бокмас. Сўнгида шоир, “Йўқ, мен бу дунёнинг фожеа тўла кўзларига тик қаролмайман,” – дейди.

Шоир “Баъзан” шеърларида ҳаётни бир рўёга менгзатади. Йигирманчи асрни, Асхоб-и Қоҳф рўёсига ташбих этади. Рўё оламида яшаган шоир, баъзан ўлимнинг йўқлиги ҳақидаги ҳисларга ўралиб, бу мавҳумлик ичида, ҳаётда яшаётган “ўликлар”га дуч келади.

“Ўйин” номли шеърларида ҳаётни, инсонларнинг бир-бирларидан қочиб юришларини “бекинмачоқ” ўйнига ўхшатади.

“Илҳом париси” шеърларида эса совет турмуш тарзи фош этиларкан, илҳом парисининг кишини ачинтирувчи ҳоли англайлади. Советлар Бирлигида фақат инсонлар эмас, илҳом париси ҳам оч ва ялонғочдир; барча дўстларидан айрилган ва ватанини йўқатган каби паришондир:

Илҳом парисини

кўрдим тўсатдан,

Қорни оч, ялонғоч, узунсоч.

Ўлтирарди хонанинг

қоқ ўртасида

Пойида ётарди қурум босган тож

.....

Айрилган кимсадай

бор-йўқ дўстидан,

Қарайди йўқотган

мисол ватанин.

Шоир, усти-боши юпун, ҳамма нарсасини йўқотган, йиғлоки совет парисининг ачинарли ҳоли билан, унга яхшилик ва гўзалликлар илҳомини бера олмаслигини англайди.

Давоми келгуси сонда

ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Агар дори тўғридан-тўғри қонга қабул қилинаётган бўлса, иммун системаси тарафидан тозаланишга улгурмаган бу дори, ўзининг бутун манфий жиҳатлари билан ҳужайраларнинг зикрига салбий таъсир қилади.



Беморга қон куйилиши таҳликадан холи эмасдир. Бу ерда унутилмаслиги керак бўлган нарса - қоннинг ҳаром бўлгани ва ҳеч бир шаклда қўлланмаслик лозимлигидир.

Энди Араб мамлакатларидан олиб келинадиган атирлар ҳақида бир оғиз сўз: Бу атирлар Арабистон ярим оролидан келтирилган, аммо уларнинг ҳаммаси дунёнинг тамоман бошқа бир нуқтасида ишлаб чиқарилади. Агар улар ҳақда тафсилотлироқ билги олмоқ истасангиз, «Парфюмер» деган фильмни томоша қилинг.

Бу фильм нақадар даҳшатли бўлмасин, у «атир» балоси ҳақидаги ҳақиқий даҳшатнинг 10%ини ҳам тасвирлаб бера олмаган. «Атирлар»нинг инсон психикасига таъсири, бу фильмда кўрсатилганидан юз чандон таҳликалироқдир.

Сунъий хушбўй хидлар (ароматлар) нозик модда бўлгани учун сўлак безлари, асаб тизими ва руҳга тўғридан-тўғри таъсир қилади.

Инсон мияси фикрни, кўз кўрган ва кулоқ эшитган нарсаларни назорат қила олади. Ўз фитратига уйғун нарсаларни қабул қилиб, қолганини рад қилади. Фақат мияда хидларнинг таъсирини бошқара оладиган ускуна йўқ. Шу боис, хидлар ҳеч бир тўсикка учрамай, тўппа-тўғри инсон руҳига таъсир қилади. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадисларига кўра, баъзи хидлар фаришталарни чақириб, ёвуз руҳларни қувади. Масалан, исирик, мушк, анбар, гул, райхон, хина хидлари фаришталарни чақиради.

Баъзи хидлар эса ёвуз руҳларни чақиради, фаришталар у хидларга дош бера олмай, у ердан узоклашадилар. Спирт, сигарет, сийдик, ит хиди, ўлимтик, қон каби нажас моддалар ва баъзи ўсимликлар хиди шулар жумласидан.

Авваллари хидлар табиий йўллардан олинарди. Масалан, мушк хиди - кийикларнинг жинсий без-

ларидан, гул, фиалка, лаванда, ясмин, атир хиди - тўғридан-тўғри ўсимликлардан олинар эди. Бугун косметик ва баданни озиклантирувчи моддалар, озик-овқат маҳсулотларида қимматбаҳо табиий ароматлар ўрнига хид ва таъм берадиган «табиий»га яқин ароматлар қўлланилмоқда. Ген технологияси ва нанотехнология воситасида - мушк, гул хиди, қайта ишланган гўшт, сариеғ, сут ва қатик хушбўй хидлари, турли асал, қаҳва, кўзикорин, апельсин, қулупнай, нок каби мева ва сабзавот ароматлари, ялпиз, долчин, занжабил, дарахт сақичи каби қоразираторлар ароматлари - арзон йўл билан кўпайтирилмоқда.

Қадимдан бери табиий ўсимликлардан табиий йўллар билан олинган ва «эссенциал ёғ» ёки «ҳавога тарқалувчи ёғ» номи хидли ёғлар юз йиллардан бери кўрқув, андиша, стресс, депрессия каби руҳий муаммоларни, бош оғриғи, ҳузурсизлик ва тери касалликлари каби жуда кўп муаммоларни даволашда қўлланиб келинмоқда.

Хидларнинг даволаш йўлида ишлатилиши ва жиддий муаммоларни еча олиши хидлар инсон мияси ва баданига қандай қатта таъсирга эга эканлигини кўрсатмоқда. Шундай экан, хидларнинг бу қадар кучли таъсирга эга эканлигини ҳисобга олсак, бугунги кунда «табиий»га яқин ароматлар ғирт тескари таъсир кучига эга.

Яъни, арзимас кўринган бу аромат, киши мувозанатини бузади, уни депрессияга ёки турли касалликларга мубтало қилади.

Темур Умидов (Миср): Сиз очлик йўли билан даволашингизни эшитгандим. Имкон бўлса, шу даволаниш йўлини айтиб берсангиз.

Ойдин Солиҳ: Мен ўзимнинг даволаш усулимда парҳез, очлик қилиш, зулук билан қон олдириш, табиий дорилар ёки доривор гиёҳлар билан даволашни таклиф этаман.

Умуман олганда, барча хасталикларни даволаш учун очликнинг ўзи етарли. Нима учун? Агар инсон бирор бир хасталиқдан шифо топиши учун дори-дармонга, даволаниши учун бошқа бир одамга ёки пулга муҳтож бўлиб қолганда, бу адолатдан бўлмас эди. Аммо Аллоҳ адолатли. Пули кўп инсоннинг ҳам, буткул пули йўқ одамнинг ҳам, шифо топиш имкониятлари бир хилдир. Буни англаган инсон даво топади, англамаган - йўқ. Шифони пулга сотиб олишнинг имкони йўқ. Шифони ишлаб топиш мумкин. Уни ишлаб топишнинг энг

қиска йўли эса очликдир. Нега? Инсоният мавжудлигининг бирор бир замонида бугунчалик кўп овқат ейилмаган. Ҳеч қачон одам бугун еяётганчалик кўп зарарли моддаларни емаган. Егулик тайёрлаганда, бугунги кундагидек кўп кимёвий моддаларни овқатига қўшмаган. Одамзод ҳеч қачон ҳозирги пайтдагидек бунчалик фаол ўзининг «бошига етмаган». Одам очликни бошламагунча, унинг ақли миясига қайтмайди. Ақл бўлмаса, даволаниш имконияти ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам даволашда энг муҳими - очлик.

Даволаш усулининг қисқача принциплари мана бундай:

1. Кўшимча моддали егуликни емаслик, кўшимча моддали ичимликни ичмаслик. Маргарин ва гидрогеник ёғларни истеъмол қилмаслик.

2. Емак миқдори ва сонини озайтириш.

3. Табиий мева, сабзавот ва кўкатларни ейишни кўпайтириш.

4. Гўшт, ёғ ва сут маҳсулотларини қон гуруҳига кўра ейишни йўлга қўйиш.

5. Кимёвий дориларни босқичма-босқич озайтириб, тамоман қўлланмаслик. Ва уларнинг ўрнига доривор ўсимликларни қўллаш.

6. Аввал 1 кунлик, кейин 3 кунлик очликларни 4-7 кун ораликлар билан қилиш.

7. Хожамот (муайян нукталардан қон олдириш) ва зулук билан даволаш керак.

Азизхон (Россия): Ойдин опа, саволим сизнинг шахсий ҳаётингиз ҳақида. Айтингчи, сиз Украинада туғилган бўлсангиз, мусулмон оиласида таваллуд топганмисиз ёки кейин қабул қилганмисиз Исломи динини?

Агар мумкин бўлса, яна бир савол: айтингчи, ҳозирги медицина ривожланган бир пайтда Ибн Сино китобларига эҳтиёж қай даражада, айниқса Европа давлатларида?

Ойдин Солиҳ: 1.Мен мусулмон оиласида туғилмаганман. Аммо онам, шундай бир ибора бор «яширин мусулмон» деган, ана шундай мусулмон эди.

Чунки унда мусулмон фитрати бор эди.

Ойдин СОЛИХ

«Ҳақиқий тиббиёт» китобидан
(Давоми келгуси сонда)

ERKIN YURT

«Эркин Юрт» интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолиддин Йўлдош